

ОАК Раёсатининг 13.06.2025 йил
371-сон қарори билан тасдиқланган

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИННИГ 2025 ЙИЛ ИККИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИ УЧУН ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

№	Тадбирнинг номи	Бажариш муддати	Масъул ижрочи
I. ОАКнинг 2025 йил II ярим йилликдаги устувор вазифалар ижросини ташкил қилиш			
1.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларида белгиланган устувор йўналишлар ва вазифалар ижросини ташкил қилиш.	2025 йил июль-декабрь	А.Юсупов А.Шермуҳамедов З.Таджиходжаев
	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқларида белгиланган вазифалар ижросини ташкил қилиш.		
	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг ҳужжатлари ва топшириқларида белгиланган вазифалар ижросини ташкил қилиш.		
2.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижадорлиги, худудларда ишларнинг бориши, аҳолини ўйлантираётган масалаларга ечим топиш юзасидан 2025 йил 16 июнда ўтказилган видеоселектор йиғилишида қўйилган вазифалар ижроси юзасидан ОАКнинг асосий вазифалари, соҳани стратегик ривожлантириш масалалари ва амалга ошириладиган тадбирлар ижросини таъминлаш ҳамда масъул ходимларнинг шахсий масъулиятини ОАК Раёсатида муҳокама қилиш.	2025 йил июль-декабрь	А.Юсупов А.Шермуҳамедов З.Таджиходжаев
3.	Илмий даражалар ва илмий унвонларда тасдиқлаш бўйича аттестация тадбирларини низомлар талабларига кўра ташкил қилиш ва аттестация талабларининг ягоналигини таъминлаш.	2025 йил июль-декабрь	А.Шермуҳамедов бош инспекторлар
4.	Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси тизимини тўлиқ рақамлаштириш ишларини якунлаш.	2025 йил июль-декабрь	А.Юсупов З.Таджиходжаев О.Махманов
5.	Олий аттестация комиссиясида ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини изчил амалга ошириб бориш.	2025 йил июль-декабрь	А.Юсупов А.Шермуҳамедов З.Таджиходжаев
6.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ижроси бўйича ахборот-таҳлилий фаолият юзасидан маълумотнома тайёрлаш.	2025 йил июль-декабрь	А.Юсупов А.Шермуҳамедов З.Таджиходжаев

7.	Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар фаолиятини жойида ўрганиш.	2025 йил июль-декабрь	А.Юсупов А.Шермухамедов З.Таджиходжаев бош инспекторлар
----	---	--------------------------	--

II. 2025 йил II ярим йилликда белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар натижадорлиги таҳлили

1.	2025 йил иккинчи ярим йилликдаги фаолияти натижалари ва Коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ишлар муҳокамасини ОАК Жамоатчилик кенгашида ташкил қилиш.	2025 йил декабрь	Л.Гафурова А.Шермухамедов
2.	Устувор вазифаларнинг ижроси ва натижадорлигини ОАК Раёсати (ҳар ой) ва тартиб-қоида комиссиясида (ҳар ҳафта) муҳокама қилиш.	2025 йил июль-декабрь	А.Шермухамедов масъул ходимлар
3.	Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси натижалари бўйича ярим йиллик таҳлилий ҳисоботни тайёрлаш.	2025 йил декабрь	А.Шермухамедов З.Таджиходжаев
4.	Илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар фаолиятини ўрганиш натижалари бўйича ахборот-таҳлил ишларини ташкил қилиш.	2025 йил сентябрь, декабрь	А.Шермухамедов бош инспекторлар

III. Олий таълим ва илмий ташкилотлар илмий салоҳиятини юксалтириб бориш тадбирларини изчил давом эттириш

1.	ОАК масъул ходимлари, эксперт кенгашлари ва мутахассиларни жалб қилган ҳолда илмий даражалар ва илмий унвонлар бўйича аттестация талабларининг ягоналигини таъминлаш тадбирларини изчил давом эттириш.	2025 йил июль-декабрь	ОАК, OTT/ИТТ, ИК
2.	Олий таълим ва илмий ташкилотларда илмий жамоатчилик билан ўтказиладиган амалий учрашувларни изчил давом эттириш (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро ва бошқа вилоятлар).	2025 йил июль-декабрь	ОАК, OTT/ИТТ
3.	Аттестация жараёнининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни изчил давом эттириш.	2025 йил июль-декабрь	ОАК, ИК OTT/ИТТ, ОАВ
4.	Илмий кенгашлар фаолиятини низомлар ва соҳага оид норматив-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар асосида ташкил қилиш бўйича илмий кенгашлар раҳбарияти билан ишчи семинарларини ташкил қилиш.	2025 йил июль-декабрь	А.Юсупов А.Шермухамедов
5.	Олий таълим ва илмий ташкилотларда диссертацион тадқиқотларда олинган илмий натижалар ва уларнинг амалиётга жорий қилинишини акс эттирувчи маҳсус кўргазмали хоналарни ташкил	2025 йил декабрь	А.Юсупов А.Шермухамедов З.Таджиходжаев

	қилиш бўйича тартиб лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокамасини ташкил этиш.		бош инспекторлар
IV. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси жараёнини рақамлаштириш ишларини такомиллаштириш			
1.	Хорижий давлатларда илмий даража олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва ностирификациялаш хизматини давлат Ягона интерактив портал билан интеграция қилиш бўйича лойиҳа-техник ҳужжатини ишлаб чиқиш, хизматни Ягона интерактив портал орқали амалга оширилишини жорий қилиш	2025 йил июль-декабрь	А.Юсупов А.Шермуҳамедов З.Таджиходжаев О.Махманов
2.	Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестация тизимини тўлиқ рақамлаштириш бўйича зарур илмий-ташкилий ишлар ҳамда дастурий-техник чора-тадбирлар мажмуасини амалга ошириш.	2025 йил июль-декабрь	А.Юсупов З.Таджиходжаев О.Махманов
3.	Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси тизимида қўлланиладиган ахборот тизимларининг барқарор ва узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш.	2025 йил июль-декабрь	А.Юсупов З.Таджиходжаев О.Махманов
V. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси соҳасидаги янгиликларни илмий жамоатчиликка етказиш			
1.	ОАК веб-сайти ва “ОАК Бюллетени” журнали орқали олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестациясига оид янгиликларни илмий жамоатчиликка етказишни ташкил қилиш.	2025 йил июль-декабрь	А.Юсупов А.Шермуҳамедов З.Таджиходжаев
2.	“Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхати”нинг тўлдирилган намунасини китоб шаклида нашр қилиш ва жойларга етказиш.	2025 йил октябрь-декабрь	А.Юсупов А.Шермуҳамедов Б.Жовлиев С.Зулунов О.Махманов
3.	2022-2023 йилларда фалсафа доктори (PhD) илмий даражасида тасдиқланганлар тўғрисидаги таҳлилий маълумотларни китоб шаклида нашр қилиш ва жойларга етказиш.		
4.	2024-2025 йилларда фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларида тасдиқланганлар тўғрисидаги таҳлилий маълумотларни китоб шаклида нашр қилишга тайёрлашни ташкил қилиш.		
5.	“Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш кенгаш тўғрисидаги низом”, “Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низом”, “Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом”нинг янги таҳрири билан илмий жамоатчиликни таништириш.	Низомлар тасдиқла-нишига кўра	
VI. Фаолият самарадорлиги ва мақсадли кўрсаткичларни баҳолашнинг асосий мезонлари			
1.	Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси бўйича фаолият самарадорлигини баҳолаш мезонлари (КРІ) ижросини баҳолаш (ҳар чора якуни бўйича).	2025 йил июль-декабрь	А.Юсупов А.Шермуҳамедов

			3.Таджиходжаев
2.	Фалсафа доктори (PhD), фан доктори (DSc) илмий даражалари ҳамда профессор, доцент, катта илмий ходим илмий унвонлари бўйича аттестация ишларининг муддати бўйича ижросини ҳар ҳафталик муҳокамасини ташкил қилиш.	2025 йил июль-декабрь	А.Шермухамедов бош инспекторлар
3.	Илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар фаолиятида иш юритиш ҳолатини ўрганишга кўра тегишли таклифлар тайёрлаш.	2025 йил июль-декабрь	А.Шермухамедов бош инспекторлар ИК

VII. Илмий-ташкилий чора-тадбирлар

1.	ОАКнинг 2025 йил иккинчи ярим йилликдаги устувор вазифалар ижросини ОАК Раёсатининг ҳар ой йиғилишида муҳокама қилиш.	2025 йил июль-декабрь	А.Юсупов А.Шермухамедов З.Таджиходжаев
2.	ОАК Раёсатида коррупция ҳолатининг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича тадбирлар самарадорлигини муҳокама қилиш.	2025 йил июль, сентябрь, декабрь	Коррупцияга қарши курашиш ички назорат гурухи
3.	ОАК иш режаларининг ижроси ва ижро интизоми масалаларини ОАК Раёсатининг ҳар ойда ўтадиган йиғилишида муҳокама қилиш.	2025 йил ҳар чорак	А.Юсупов А.Шермухамедов
4.	ОАК масъул ходимларининг 2025 йил шахсий иш режаларида белгиланган тадбирларнинг бажарилиш ҳолатини ОАК Раёсатида муҳокама қилиш.	2025 йил декабрь	А.Юсупов А.Шермухамедов З.Таджиходжаев
5.	Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестациясининг 2025 йил натижалари бўйича таҳлилий маълумотномани тайёрлаш.	2025 йил декабрь	А.Юсупов А.Шермухамедов З.Таджиходжаев